**Шароф Рашидов туман Суғдиёна МФЙ да жойлашган 1-сонли мактабнинг фаоллар залини қайта тамирлаш бўйича**

**ЙИҒИЛИШ БАЁННОМАСИ № 7**

**2022 йил 30 май** **Ш.Рашидов т.**

Биз қуйида имзо чекиб тасдиқловчилар комиссия раиси Шароф Рашидов туман халк таълим бўлимининг раҳбари Д.Носиров, комиссия котиби бўлим бош ҳисобчиси С.Пардаев, аъзолари бўлим ходимлари Ш.Назиров, Ш.Тагатов, О.Рахмонкулов, Д.Яхшиев Шароф Рашидов туман Сугдиёна МФЙ да жойлашган 1-сонли мактабнинг фаоллар залини қайта тамирлаш ишла+ри бўйича 26 май 2022 йил 22110012089457-сонли ЛОТ билан 491 000 000(Тўрт юз тўқксон бир миллион) сўмлик 1-сонли мактабнинг фаоллар залини қайта тамирлаш ишлари бўйича тендер танловига қуйилган.

2022 йил 26 май куни 22110012089457-сонли ЛОТ билан танловда иштирок этган корхоналар ичида "SALOHIDDIN-MANSURBEK CAPITAL" МЧЖ 491 000 000 (Тўрт юз тўқксон бир миллион) сўмлик 1-сонли мактабнинг фаоллар залини қайта тамирлаш ишлари бўйича танлов ғолиби бўлган.

Бажариладиган жорий таъмирлаш ишларига 2022 йил 26 май куни танловда ғолиб бўлган **"SALOHIDDIN-MANSURBEK CAPITAL"МЧЖ**га дастурда шаклланган 89457-сонли баённомасига кўра ЎРҚ 684-нинг 7-8 бандига мувофиқ баённома тузилган 2 (икки) иш куни муҳокамада турди ва ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлиги сабабли ушбу "SALOHIDDIN-MANSURBEK CAPITAL"**МЧЖ** билан 2022 йил 30 майдаги 2022-218-3-46-ХТ-сонли пудрат шартномаси тузишга келишилди.

**Комиссия раиси:** **Д.Носиров**

**комиссия котиби:** **С.Пардаев**

**комиссия аъзолари:** **Ш.Назиров**

**Ш.Тангатов**

**О.Рахмонкулов**

**Д.Яхшиев**

Scanned with CamScanner

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 89457 на приобретение Жиззах вилоят Ш.Рашидов тумани Сугдиёна МФЙ да жойлашган 1-сонли мактабнинг фаоллар залини кайта таьмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 26.05.2022

Время рассмотрения 26.05.2022 14:32

Конкурсная комиссия Шароф Рашидов туман Халк таълими булими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | NOSIROV DURBEK URALOVICH | Sh.Rashidov tuman XTB mudiri xarid komissiyasi raisi; | SH.Rashidov tuman XTB |
| **Секретарь комиссии** | YAXSHIYEV DADAJON MAMAJON O'G'LI | Давлат харидлари ва шартномалар буйича хисобчи | SH.Rashidov tuman XTB |
| **Член комиссии** | TANGATOV SHAMSIDDIN SOBIROVICH | Umumiy o'rta ta'lim muassasalari faoliyatini muvofiqlashtirish bo'limi boshlig'i tanlov komissiyasi mas'ul kotibi | SH.Rashidov tuman XTB |
| **Член комиссии** | NAZIROV SHUXRAT IBRAGIMOVICH | Мудир уринбосари курилиш булими | Sh.Rashidov tuman XTB |
| **Член комиссии** | PARDAYEV SANJARBEK QARSHIBOYEVICH | Buxgalteriya hisobi va mudiri- bosh hisobchi, xarid komissiyasi raisi o'rinbosari; | SH.Rashidov tuman XTB |
| **Член комиссии** | RAXMONQULOV ORIFJON QILICHBEKOVICH | хужалик ишлар мудири | SH.Rashidov tuman XTB |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 26.05.2022 года № лота 89457.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту нежилых зданий** |
|---|---|
| Подробное описание | Жиззах вилоят Ш.Рашидов тумани Сугдиёна МФЙ да жойлашган 1-сонли мактабнинг фаоллар залини кайта таьмирлаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 494 728 287.00 |
| Стартовая сумма | 494 728 287.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштирокчи корхонанинг молиявий холати тугрисида малумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Баланс. Молиявйи натижа ва банк айланма маблаг малумоти.

Обязательность: Критично

Scanned with CamScanner

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ERK KAPITAL LUXE MCHJ | 20 | Жамиятимизнинг молиявий холати яхши хамда маълумотнома илова килинади | 14 | Экспертная | | |
| BIG LION МЧЖ | 20 | Маълумотнома | 12 | Экспертная | | |
| OOO DILSHODBEK CONSTRUCTION | 20 | Иштирокчи корхонанинг молиявий холати тугрисида малумот. | 15 | Экспертная | | |
| SALOHIDDIN-MANSURBEK CAPITAL MCHJ | 20 | Молиявий малумотлар тулик такдим килинди | 14 | Экспертная | | |

Критерий №2 Иштирокчи корхонанинг курилиш сохасида тажрибага эга ишчи , ходимлари тугрисида маьлумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчилар маьлумоти тулик ва онлайн руйхатдан утган булиши шарт.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ERK KAPITAL LUXE MCHJ | 20 | Жамиятимизда 40 га якин олий маълумотли ва тажрибали ишчи ходимлар доимий иш билан таъминланган хамда маълумотнома илова килинади | 10 | Экспертная | | |
| BIG LION МЧЖ | 20 | Ишчилар хакидаги малумонома ёнига 30дан ортик ёлланма ишчилар мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| OOO DILSHODBEK CONSTRUCTION | 20 | Иштирокчи корхонанинг курилиш сохасида тажрибага эга ишчи , ходимлари тугрисида маьлумот. | 10 | Экспертная | | |
| SALOHIDDIN-MANSURBEK CAPITAL MCHJ | 20 | 6 нафар доимий ходим ва обьектга хажмига караб ёлланма ишчилар жалб килинади | 13 | Экспертная | | |

Критерий №3 Иштирокчи корхона обьект билан олдиндан танишиб чикиши шарт.

Тип: Текстовое значение

Описание: Обьект билан танишганлиги тугрисида буюртмачи маьлумоти

Обязательность: Критично

Scanned with CamScanner

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ERK KAPITAL LUXE MCHJ | 20 | Жиззах вилоят Ш.Рашидов тумани Сугдиена МФЙ да жойлашган 1-сонли мактабнинг фаоллар залини урганилди ва уз вактида таъмирлашга кафолат берамиз | 5 | Экспертная | | |
| BIG LION МЧЖ | 20 | Обект билан олдиндан танишиб чикилди | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Обьект билан олдиндан танишилганлик малумоти такдим килинмаган |
| ООО DILSHODBEK CONSTRUCTION | 20 | Обьект билан танишиб чикилди хаккони бахолашларингизни сурайман. | 10 | Экспертная | | |
| SALOHIDDIN-MANSURBEK CAPITAL MCHJ | 20 | Олдинндан танишилганлиги тугрисида ташкилот томонидан такдим килинган малумот бириктирилди | 18 | Экспертная | | |

Критерий №4 Иштирокчи корхонанинг махсус техникалари тугрисида маьлумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Техникалар руйхати техпаспорт нусхалари.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ERK KAPITAL LUXE MCHJ | 20 | Жамиятимиз балансида 3 та махсус техника хамда ижара асосида 10 та жами 13 та махсус техникаларимиз мавжуд | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Бошка ташкилот махсус техникалари такдим килинган. (Ижара шартнома такдим иклинмаган) |
| BIG LION МЧЖ | 20 | Маълумотнома | 13 | Экспертная | | |
| ООО DILSHODBEK CONSTRUCTION | 20 | Иштирокчи корхонанинг махсус техникалари тугрисида маьлумот. | 13 | Экспертная | | |
| SALOHIDDIN-MANSURBEK CAPITAL MCHJ | 20 | 3 дона махсус техника мавжуд. техпаспорт | 16 | Экспертная | | |

Scanned with CamScanner

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | нусхалари такдим килинди | | | | |

Критерий №5 Иштирокчи корхонанинг бажарган ишлари тугрисида маьлумотлар.

Тип: Текстовое значение

Описание: Форма2, Форма5 ва Акт ввод нусхалари.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ERK KAPITAL LUXE MCHJ | 20 | Жамиятимиз куп йиллардан буен курилиш сохасида фаолият юритади хамда маълумотнома илова килинади | 12 | Экспертная | | |
| BIG LION МЧЖ | 20 | Маълумотнома | 8 | Экспертная | | |
| ООО DILSHODBEK CONSTRUCTION | 20 | Иштирокчи корхонанинг бажарган ишлари тугрисида маьлумотлар. | 14 | Экспертная | | |
| SALOHIDDIN-MANSURBEK CAPITAL MCHJ | 20 | 4 дона акт ввод такдим килинди | 14 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| ООО DILSHODBEK CONSTRUCTION | 494 728 287.00 | 469 991 800.00 | 26.05.2022 12:37:08 | 10.00 |
| SALOHIDDIN-MANSURBEK CAPITAL MCHJ | 494 728 287.00 | 491 000 000.00 | 26.05.2022 13:39:52 | 9.57 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| ООО DILSHODBEK CONSTRUCTION | 55.8 | 10 | 65.8 |
| SALOHIDDIN-MANSURBEK CAPITAL MCHJ | 67.5 | 9.57213 | 77.07213 |
| BIG LION МЧЖ | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| ERK KAPITAL LUXE MCHJ | Не прошел | Не прошел | Не прошел |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 89457 от 26.05.2022 года на приобретение Жиззах вилоят Ш.Рашидов

Scanned with CamScanner

IJK ...умани Сугдиена МФЙ да жойлашган 1-сонли мактабнинг фаоллар залини кайта таьмирлаш определила победителем:

SALOHIDDIN-MANSURBEK CAPITAL MCHJ
309522593

и резервный исполнитель: ООО DILSHODBEK CONSTRUCTION (306130823)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | NAZIROV SHUXRAT IBRAGIMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | RAXMONQULOV ORIFJON QILICHBEKOVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | NOSIROV DURBEK URALOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | PARDAYEV SANJARBEK QARSHIBOYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TANGATOV SHAMSIDDIN SOBIROVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



...OVICH. Ҳужжат рақами: VF1745768780

Scanned with CamScanner

...орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: DN84852384
IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: DN84852384

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «30» 5 2022-218-3-46-ХТ-сон ____________ш.

**Шароф Рашидов туман Халқ таълими бўлими** (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан **Бюджет** асосида фаолият юритувчи раҳбари **Д.Носиров** ва **"SALOHIDDIN-MANSURBEK CAPITAL" МЧЖ** кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади) номидан **Низом** асосида фаолият юритувчи **раҳбари Н.Мухиддинов** мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда "Ишлар" деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

**Ш.Рашидов туман Сугдиёна МФЙ да жойлашган 1-сонли мактабнинг фаоллар залини қайта таъмирлаш ишларини бажариш**

## 2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 %и миқдорида бунак туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлик хажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охирги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

## 3. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқукларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи пудратчига

Scanned with CamScanner

шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

## 4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 491 000 000 **(Тўрт юз тўқсон бир миллион) сўмни** ташкил қилади.

4.2.Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 5.Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 0,4 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

## 6.Форс-мажор холатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

## 7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон кадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида конунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах вилоят иқтисодий судида кўриб чиқишга топширадилар.

## 8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тулайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 9.Коррупсияга қарши шартлашув.

9.1Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупсияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди. 9.2 Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари,



Scanned with CamScanner

директори, ходимлари, агентлари ва бошка вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида харакат килиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупсияга қарши тегишли шартлари ва талабларига катъий риоя этиш мажбуриятини олади.

## 10.Якуний коидалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг хакикий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди.Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга.Тарафларнинг хар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3Шартномага илова_______________________________________________

## 11. Тарафларнинг реквизитлари ва имзолари:

| Пудратчи: | Буюртмачи |
|---|---|
| **"SALOHIDDIN-MANSURBEK CAPITAL" МЧЖ** | **Шароф Рашидов туман ХТБ** |
| Манзил:Ш.Рашидов т Зиёкор МФЙ сангзор к | Манзил:_ Ш.Рашидов тумани Уч-тепа дахаси |
| Тел./факс | Шғх* 401722860082127092100075012 |
| (х/в)2020 8000 9055 2285 1001 | Ташкилотнинг СТИРи: 201 369 776 |
| Банкноми:"Хамкорбанк" Жиззах в.ф | Шароф Рашидов тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси |
| МФО:01117 | **ЯҒҲ 23 402 000 300 100 001 010** |
| СТИР:309 522 593 | Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошкармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ) |
| ИФУТ: | МФО: 00014 |
| | Ғазначилик бўлинмасининг СТИРи: 201 122 919 |
| Рахбар: Н.Мухиддинов | Рахбарь:**Д.Носиров** |
| ______________ | ______________ |

Ё112
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
SHAROF RASHIDOV TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

131100, Sharof Rashidov tumani, Mustaqillik ko'chasi, 1-uy.

# ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

1. Лойиҳанинг тури: **Шартнома№**
2. Лойиҳанинг номи:

**Шароф Рашидов туман Халқ таълими бўлими** (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан **Бюджет** асосида фаолият юритувчи раҳбари **Д.Носиров** ва **"SALOHIDDIN-MANSURBEK CAPITAL" МЧЖ** кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади) номидан **Низом** асосида фаолият юритувчи **раҳбари Н.Мухиддинов** мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Пудратчи кейинги ўринларда "Ишлар" деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:
Ш.Рашидов туман Сугдиёна МФЙ да жойлашган 1-сонли мактабнинг фаоллар залини қайта таъмирлаш ишларини бажариш

Мазкур шартноманинг баҳоси 491 000 000 **(Тўрт юз тўқсон бир миллион) сўмни** ташкил қилади.

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот;

Ш.Рашидов туман халқ таълим бўлими томонидан 2022 йил 27 май куни юридик марказга юборилган.

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни тузиш мақсадга мувофиқ.

**Марказ бош юрисконсульти** **А.Баратов**

Scanned with CamScanner